

Ўзбекистон ва Туркия Президентлари телефон орқали мулоқот қилдилар



Бугун, 26 февраль куни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари сұхбат аввалида Туркия Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлик ва катта муваффақиятлар ҳамда биродар турк халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади. Президент Эрдоғаннинг замонавий Туркияning барқарор тараққиётини таъминлаш, халқаро майдонда мамлакат нуфузини оширишдаги роли алоҳида қайд этилди.

Сұхбатда икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар мухокама қилинди.

Икки мамлакат етакчилари олий даражадаги мунтазам мулоқотлар пандемиянинг мураккаб шароитларида кўп қиррали Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигининг юқори суръатини сақлаб қолишига хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти Туркия ҳукумати томонидан мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарақалишига қарши курашишда кўрсатилаётган ёрдам ва амалий кўмак учун ўз ҳамкасбига яна бир бор миннатдорлик билдириди.

Савдо, саноат, энергетика, инфратузилма, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳалар, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларининг амалга оширилиши ҳам кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестицияларни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шу жумладан Преференциал савдо тўғрисидаги битимни тез фурсатда тайёрлаш ва қабул қилиш мухимлиги қайд этилди. Инвестиция мұхитини такомиллаштириш, ҳудудларни жадал индустрисал ривожлантириш, маҳсус иқтисодий зоналар фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларида Туркияning илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этишдаги ҳамкорлик фаоллашмоқда.

Давлат раҳбарлари таълим, кинематография, маданият ва туризм соҳаларида қатор аҳамиятли

лойиҳаларни амалга ошириш муҳим эканини таъкидладилар.

Шунингдек, бўлажак олий ва юқори даражадаги икки ва кўп томонлама тадбир ва мулоқотлар режаси муҳокама қилинди, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг сухбати ҳар доимгидек очик, дўстона ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

Манба